

Шунингдек, Фитрат вазнларни аслий рукнларга ва 19 баҳрга ажратиш ўрнига саксонга яқин вазннинг ҳижоларини санаб, 6, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 20лик номлари билан 12 туркумга ажратади.

Абдурауф Фитратнинг ўзи таъкидлаганидек, унинг “Аруз ҳақида” рисоласи келгусида аруз илмини ўрганиш ҳамда шу йўналишда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Адабиёт:

1. Фитрат А. Аруз ҳақида. Тошкент. Ўқитувчи, 1997.
2. Fitrat A. Adabiyot qoidalari. – T.: O`qituvchi, 1995.
3. Shayx Ahmad ibn Xudoydod Taroziy. Funnun ul-balog`a. – O`zbek tili va adabiyoti. – Toshkent. – 2002. – №2.

“QUTADG`U BILIG” – O`ZBEK TILI TARIXIDAGI NODIR MANBA

Xolmuradova M.F., O`zMU katta ilmiy xodim-izlanuvchisi

Инсоният тарихида маълумотларни кенгайтириш, янгиликка интилиш азалий одатлардан бири бўлиб келган. Кашфиётлар, ихтироларга қизиқиш, янгиликка интилиш сабаб юзага келган. Янгилик яратишда ҳар доим жамиятнинг илғор вакиллари, теран фикрли мутафаккирлар фаол бўлади. Шундай инсонлар сабаб инсоният тарихида фан ривожланади, маданий тараққиёт юксалади. Шу жиҳатдан ёндашганда “Қутадғу билиг”дек буюк неъматдан инсониятни баҳраманд қилишда ҳам соҳир нигоҳли мутафаккирларнинг алоҳида ўрни бор.

XX асрнинг буюк шахсиятларидан бири бўлган Абдурауф Фитратни шоир, ёзувчи, адабиётшунос, танкидчи, тилшунос, педагог сифатида яхши биламиз. Ижодкорнинг мутафаккир сифатидаги буюк хизматларидан бири юксак тафаккур намуналарини инсониятга етказишидир. Абдурауф Фитрат “Қутадғу билиг”дек ноёб асарни омма эътиборига тақдим этди.

“Қутадғу билиг”нинг уч қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, бири уйғур, иккитаси араб ёзувида. Араб ёзувидаги қўлёзмалардан бири Намангандан топилган. Ушбу қўлёзма бошқа нусхаларга қараганда тўлиқроқ. [1] Наманган нусхасининг мавжуд нусхалар орасида нисбатан мукамаллигини А.Кононов ҳам

MUNDARIJA

Tulaganov A.A. Istiqlol va Abdurauf Fitrat.....	3
---	---

I SHO`BA. FITRAT ASARLARI POETIKASI

Amonov U.S. Fitratning qo`shiq janri tabiati xususidagi qarashlari.....	6
Ashurova G. "Faust" hamda "Shaytonning tangriga isyoni" asarlarida zamoniy va makoniy chegara yoxud erk va ozodlik, taraqqiyot uchun kurash – hamisha g`olib.....	10
Davronova Sh. Fitrat nasrida jadidlar obrazi.....	15
Eshonqulov H.P. Mohiyatni anglashda Fitratning o`ziga xos uslubi.....	18
Ibragimov S.E. Fitrat hayot va hayot g`oyasi haqida.....	20
Jamilova B. Abdurauf Fitrat publitsistikasida g`arb va sharq an`analari.....	25
Qobulova N.B. Fitrat ijodida vatanparvarlik g`oyalarning ifodalanishi.....	29
Quvvatova D., Qodirova R. Istiqlol davri o`zbek dostonchiligida Fitrat siyosati.....	32
Safarov O.T., Safarova H.O. Yangi adabiyotning ikki darg`asi.....	36
Safarova H.O. Bir-biriga ustod va bir-biriga shogird.....	39
To`xsanov Q.R., Amirqulova M. Abdurauf Fitrat – mashrabshunos olim.....	42
O`rayeva D.S. Fitrat to`y marosimi haqida.....	44
X.X. Berdiyev, P.Z. Rajabova. Fitrat "Xikmat" istiloxi va hikmatg`uylik haqida.....	47

II SHO`BA. FITRAT – ADABIYOTSHUNOS VA MUNAQQID

Amonova Z.Q. Fitrat – o`zbek murtoz adabiyoti tadqiqotchisi.....	51
Axmedova Sh.N. Fitrat ijodida ochiq xat janri.....	53
Axmedova Sh., Axmedova H. Fitrat va Bedil.....	57
Bekova N. Fitrat – navoiyshunos.....	59
Hayitov Sh.A. "Mashrab ijodi Fitrat talqinida" maqolasi haqida.....	62
Rajabov D. Fitrat – she`rshunos.....	64
Rajabova M.B. Fitratning aruz tizimiga doir qarashlari.....	67
Saidov Y., Hamroyeva O. Fitratning «Aruz haqida» risolasi xususida.....	70
Samandarova G., Bozorova G. Fitratning "Aruz haqida" risolasi xususida.....	74
Xolmuradova M.F. "Qutadg`ubilig" – o`zbek tili tarixidagi nodir manba.....	76
To`xsanov Q. "Mabdayi nur" Abdurauf Fitrat talqinida.....	80
Nurmonov F.I., Botirova E.A. Sog`lom bola - sog`lom va ahil oilaning mevasi.....	84
Pardayeva M.X. Abdurauf Fitratning oilaviy munosabatlar haqidagi qarashlari.....	86
Saidova N.R. Abdurauf Fitratning iqtisodga oid qarashlari.....	89



ISTIQLOL VA FITRAT IJODI

**Respublika ilmiy-nazariy anjumani
materiallari**



Buxoro, 2016-yil 21-aprel

Адабиёт:

1. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 319 б.
2. Навоий. Мезонул-авзон. Асарлар. XIV жилд. – Т.: 1967. – Б. 133-182.
3. Фитрат. Аруз ҳақида / Танланган асарлар. V жилдди. (нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев). – Т.: Маънавият, 2010. V жилд. – Б. 208-283.

FITRATNING “ARUZ HAQIDA” RISOLASI XUSUSIDA

Samandarova G., BuxDU o'qituvchisi,
Bozorova G., BuxDU 1-bosqich magistranti

Абдурауф Фитрат XX асрда аруз илмини синчковлик билан ўрганган олимлардан ҳисобланади. Унинг “Адабиёт қондалари”, “Аруз ҳақида” номли рисоласида ўзининг илми арузга оид ҳам назарий, ҳам амалий қарашларини баён этган.

“Аруз ҳақида” номли рисоласида Фитрат аруз ва аруз вази, аруз ва бармоқ вазллари орасидаги фарқлар хусусида биринчи фаслда ўзининг мулохазаларини баён этган. Шунингдек, аруз вазининг тарихий ривожланиши, аруз вазллари тузилиш қондалари хусусида ўзининг назарий мулохазаларини баён этган бўлса, рисоланинг сўнгида “Аруз вазллари ва намуналари” деб номланувчи фаслда ҳар бир туркум ва уларга мос келувчи шеърини намуналарни келтириб ўтган.

Юқорида қайд этиб ўтганимиз, Фитратнинг “Аруз ҳақида” рисоласи аруз ва унинг ички қонуниятларини чуқурроқ ўрганиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади десак, янглишмаймиз. Чунки Фитрат ўзига қадар мавжуд бўлган илми арузга оид асарларни чуқур таҳлил қилиб, ўз даври арузи билан чоғиштиради. Камчилик ва эътиборга лойиқ жиҳатларини қайд этиб ўтади.

Фитрат аруз вази ҳамда бармоқни солиштирар экан, бармоқ вази ҳижолар сонига таянса, арузда нафақат ҳижолар сони, балки сифати ҳам инобатга олиншини айтиб ўтади:

“... аруз вазида ҳижоларнинг камияти (сони)гина эмас, кискалик, тўлуқлик кайфияти (сифати) ҳам қатта рўл ўйнайди. тўлуқ ҳижоларнинг тузилиш тартиби ўзгарганча янги-янги

вазллар майдонга келади. Мана бу хусусият бармоқ системасида йўқ³³”

Шу билан бирга, Фитрат рисоланинг биринчи фасли якунида Миён Бузрукнинг “Ижодий йўлимиз ҳақида” номли мақоласини танқид остига олиб, арузни бармоқ билан аралаштириб ёзиш натижасида юзага келган вази бор деган, фикрининг нотўғри эканини аниқ далиллар билан исботлаб беради.

Кейинги “Аруз вазининг тарихий ўсишига бир қараш” номли фаслда аруз вазининг тарихий тадрижи эрон шеърнатига бориб тақалишини бир неча мисоллар билан асослаб, қуйидаги хулосасини баён этади:

“Араб истилосидан бурун эрон шеър вази бу кунги аруз тузулишига тўғри бир тараққий ҳаракати кўрсатганини қувватлайди. Араб истилосидан кейин форс адабиёти учун ҳам аруз назариялари (Халил ибн Аҳмад томонидан тузулган аруз қондалари) қабул қилинди³⁴”

Абдурауф Фитрат илми аруз ҳақида ўзининг илмий-назарий қарашларини баён этар экан, ўзига қадар мавжуд аруз аъёналарига бир қатор янгиликлар киритишни тақлиф этади. Жумладан, ҳижоларни ўқиш учун чирманда усулини тақлиф этиб, ҳижоларни қуйидагича таҳлил қилиш мумкинлигини баён этади:

“Қадимги арузчилар ҳижоларни ўқимок учун фаувлун, мафойлулардан муштарак сўзлар, қолиблар тузганлар. Уларнинг бу ишлари жуда яхши ва жуда тўғри бир иш. Чунки шеър вазини қулоқ воситаси билан ўлчашу йўл соясидагина бўлади. Мен қадим арузчиларнинг шу ишларидан фойдаландим. Бирок уларнинг фаулунларини олмадим. Юқорида кўрсатганим ишоралар учун классик музикамининг усул қолибларини (чирманда усулини) қабул қилдим:

– – бакко
V V бака
– V бакка
V – бако
– бак³⁵

³³ Фитрат А. Аруз ҳақида. Тошкент. Ўқитувчи. 1997.

³⁴ Фитрат А. Аруз ҳақида. Тошкент. Ўқитувчи. 1997.

³⁵ Фитрат А. Аруз ҳақида. – Т.: Ўқитувчи. 1997.